# Самимий қутловлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Мамлакатингизнинг Мустақиллиги куни муносабати билан Баҳрайн давлати ҳукумати ва халқи менга қўшилиб, Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига самимий қутловларимизни йўллайдилар.*

*Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига бундан буён ҳам равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.*

**Исо бин Салмон АЛ-ХАЛИФА,**
**Баҳрайн Давлати Амири**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида муҳим бўлган буюк ва шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги билан Сизни ва Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқини Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан зўр қувонч билан, сидқидилдан муборакбод этаман.*

*Инсоният тарихида етти йил - бир лаҳза, холос. Аммо, мана шу қисқа муддат ичида ўзбек халқи бир неча ўн йилларга тенг йўлни босиб ўтди. Ўзбекистонда Сизнинг доно раҳбарлигингизда демократик ва фуқаролар жамияти барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатингиз Марказий Осиё минтақасидагина эмас, балки бутун дунёда муносиб равишда юят юксак обрў-эътибор қозониб, жаҳон ҳамжамиятининг кўзга кўринган аъзосига айланди.*

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Сизнинг Ўзбекистонни демократик янгилашга қўшган шахсий ҳиссангиз бебаҳодир. Ўтган етти йил мобайнида замонавий ўзбек давлатининг мустаҳкам пойдевори қўйилди, дунёда "Ўзбек модели" сифатида донг таратган иқтисодиётни барқарор ва жўшқин ривожлантиришга эришилди, ўзига хос мустақил ташқи сиёсат шакллантирилди.*

*Ўзбек ва қирғиз халқларини қадимдан мустаҳкам дўстлик ва қардошлик алоқалари боғлаб келади. Зотан, шунга имоним комилки, яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида муттасил ривожланиб бораверади.*

*Сизни мана шу чинакам порлоқ байрам билан яна бир бор муборакбод этиб, бутун ўзбек халқига бахт-саодат, фаровон ҳаёт ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.*

**Камоли эҳтиром билан,**

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Муҳтарам Президент Жаноблари,*

*Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан мамлакатимиз халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни муборакбод этиб, замонавий ўзбек давлатини барпо этишда Сизга янгидан янги муваффақиятлар тилайман.*

**Вацлав ГАВЕЛ,**
**Чехия Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаш шарафига муяссар бўлганимдан юят бахтиёрман.*

**Камоли эҳтиром билан,**

**Фернандо Энрике КАРДОЗО,**
**Бразилия Федератив**
**Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Президент Жаноблари,*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Югославия Иттифоқ Республикаси фуқаролари ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий қутловларимни ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.*

**Слободан МИЛОШЕВИЧ,**
**Югославия Иттифоқ Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами республикангизга ва унинг барча фуқароларига изҳор этаётган тилакларимни Сиз, Жаноби Олийларига йўллашим учун имкон беради.*

*Барча инсонларнинг куч-ғайрати самараларини мамлакатлар ўртасида тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий турмуш ва шахсий эркинликлар, хусусан, эътиқод эркинлигининг энг асосий тамойилларига риоя этиш учун йўналтиришни Қодир Оллоҳдан илтижо қиламан.*

*Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистоннинг масъул мансабдор кишилари ва барча аҳолисини илоҳий эзгуликка даъват этаман.*

**Иоанн ПАВЕЛ II,**
**Рим Папаси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги санаси муносабати билан Кипр Республикаси халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўллайман.*

*Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва омонлик тилайман. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланишини сабрсизлик билан кутаман.*

**Глафкос КЛЕРИДИС,**
**Кипр Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Муҳтарам Президент Жаноблари,*

*Ўзбек халқининг миллий байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига юят самимий қутловлар ва эзгу истакларни йўллайман.*

*Руминия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари халқларимиз ҳамда минтақаларимизда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида муттасил ривожланиб бораверишига ишончим комил эканлигини изҳор этишни истардим.*

*Жаноби Олийлари, Сизнинг ниҳоятда масъулиятли фаолиятингизда янгидан янги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни ҳамда Сизга бўлган юят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.*

**Эмиль КОНСТАНТИНЕСКУ,**
**Руминия Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига шахсий бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса барқ уриб яшнайдиган истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.*

**ЖАН,**
**Люксембург Буюк герцоги**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Жаноби Олийлари,*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан халқим ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига шахсий ҳаётда бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига равнақ тилаб самимий қутловлар ва энг эзгу истакларни изҳор этиш менга мамнуният бахш этади.*

*Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.*

**Режеп МЕЙДАНИ,**
**Албания Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Миллий байрам — Мустақиллик куни билан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини табриклайман.*

*Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлигини яхшилаш учун ўзаро ҳурмат асосида янада қалин ҳамкорлик йўлидан ривожланиб бораверишига ишончим комил.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, юксак ва масъулиятли лавозимингизда муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик, равнақ ва омонлик тилаб билдирган истакларимни изҳор этмоқчиман.*

*Эҳтиром билан,*

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 сентябрь, шанба • № 108 (22.345).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказилишига йўл қўймаслик, шунингдек озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этишда тартиб ўрнатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 1998 йил 10 сентябрдан бошлаб, мулкчилик шакларидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сут, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, пишлоқ, колбаса маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдо қилиш зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, мувофиқлик ва сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатлари, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар мавжуд бўлишини назарда тутувчи савдо қоидаларига албатта риоя қилинган ҳолда фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади.

2. Мазкур қарорнинг 1-банди бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Ички ишлар вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига юклансин. Ушбу қарорнинг 1-банди бажарилиши тўғрисида 1998 йил 1 ноябрда маълумот берилсин.

Мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган шартларга риоя қилинмаганда, шунингдек товарлар савдо қоидалари бузиб сотилганда, ушбу товарлар савдоси тўхтатилади, унинг сотувчиларига нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ қаттиқ маъмурий жавобгарлик, қонунчиликда белгиланган тартибда товарни олиб қўйиб, кейинчалик уни мусодара қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 29 июлдаги 373-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари М.Усмонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 сентябрь

## Тантаналар этади давом

Қўриқ Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида бунёд этилган ўйингоҳда мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда 10 мингдан зиёд томошабин иштирок этди. Бу ўтган йилгидан икки баравар кўпдир. Байрамда Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» ансамбли, «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловининг ғолиблари ва совриндорлари ўз санъатларини намойиш қилиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишди. Ўзбекистон халқларининг бой тарихига бағишланган театрлаштирилган томошалар ҳам кўпчиликка манзур бўлди. 30 дақиқа давом этган мушакбозлик барчанинг қувончига қувонч қўшди. Ушбу тантаналар ҳақидаги репортаж Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали якшанба куни кундузи намойиш этилади.

*Ҳакимжон АДИЗОВ*

*Бу дунёнинг ишлари*

### Истеъфога чиқмоқчи эмас

**Россия Президенти Борис Ельцин халққа мурожаат қилиб, мамлакатдаги жиддий иқтисодий инқироз туфайли истеъфога чиқмоқчи эмаслигини айтди. У телевидение орқали суҳбатида ҳеч қаёққа кетмаслигини, ўз ваколат муддати тугагунча ишлайверишини таъкидлади. Бироқ, 2000 йилда бўладиган Президент сайловларида ўз номзодини қўймоқчи эмас. Ельциннинг таъкидлашича, Россия ҳукуматининг бош вазири вазифасини бажариб турган Виктор Черномирдин барча стратегик аҳамиятга эга бўлган нарсаларга жавоб беради, иқтисодий кризисни бартараф этиш режаси бўйича музокараларни ҳам юритаверади.**

### Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси

**БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан бартараф этишга чақирди. Кенгаш ҳарбий ҳаракатларни тезда тўхтатиб, афғон гуруҳлари ўртасида БМТ байроғи остида музокараларни тиклашга киришишни таклиф қилди. Бу барча афғонларнинг манфаати ва ҳуқуқларига хизмат қилиши турган гап. Хавфсизлик Кенгашининг расмий мажлисида ушбу масала юзасидан резолюция қабул қилинди. БМТ аъзолари бўлмиш давлатларнинг катта гуруҳи ушбу резолюциянинг муаллифи бўлишди.**

**Резолюцияда таъкидланишича, «Толибон» ҳаракатининг мамлакатнинг шимолий қисмида жангларни авж олдириб юборганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгаши БМТ ходимларига қарши уюштирилган ҳужумни қоралади ва халқаро ташкилот вакилларининг эркин ҳаракат қилишлари ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини талаб қилишди. Шунингдек, резолюцияда террорчиларга ва уларнинг ташкилотларига бошпана бермаслик масалалари ҳам кўтарилди. Айниқса, гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишга чек қўйиш зарурлиги таъкидланган.**

**БМТ Хавфсизлик Кенгаши афғон гуруҳларини қизлар ва аёлларга азоб беришни тўхтатишга ҳамда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини бузмасликка даъват этди. Мамлакатдаги можароларни тўхтатиш учун Афғонистонда афғонларнинг ўзидан иборат ҳукумат тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилди.**

# Ўзбекона беллашар жаҳонгашта йигитлар

***Бугун миллий кураш бўйича республика, эртага эса халқаро мусобақа ўтказилади***

***Дунёвий тараққиёт йўлидан собитқадам ташлаётган мустақил республикамиз ўтган етти йил мобайнида буюк ўзгаришларни бошдан кечирди. Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда ҳеч бир нарса Ватан довруғини дунёга ёйишда спортчалик аҳамият тополмас. Муҳими, миллионлаб мухлислар орзу қилган дамлар бошланмоқда. Биз ҳамиша нима учун диёримизда бошқа мамлакатларда бўлгани каби спортнинг бирон тури ривожланиб, жаҳоний эътироф топмаган, деб юрардик. Ниҳоят бунинг ҳам йўли топилди. Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни билиб, қадриятларимизни тиклаб, миллий ғурур, миллий ифтихор каби пурҳикмат сўзларни дилларга туйдик. Гап шундаки, миллий кураш миллий ғурурга айланди. Жаҳон спорт ҳамжамияти бундан буён «кураш» деб аталувчи ажойиб беллашув турини тан олди. Биринчи марта кураш бўйича «Президент соврини» учун халқаро мусобақа ўтказиладиган бўлди. Беллашув арафасида республика ёшлар «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари Комил ЮСУПОВ билан суҳбатлашдик.***



— Мамлакатимизда спортга эътибор берилаётгани бежиз эмас. Мақсад соғлом авлодни тарбиялаш, келажаги буюк давлатни улар қўлига топшириш. Боиси улкан, хайрли ишларни рўёбга чиқаришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Сир эмас, ўзим курашчилар оиласида камол топганман. Тенгқурларим қатори миллий кураш билан шуғулланиб, кейин дзюдо бўйича халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб, маҳорат оширганман. Мустабид замонда дилингдагини тилингга чиқара олмасдинг. Ширин хаёлларга берилиб юраверардик. Миллий кураш билан уйғунлашган дзюдо бўйича беллашувлардаги ғалабалардан кўпчилик ҳайратланарди. Нега энди барча спорт турларидан ҳам қадимий ҳисобланган курашни халқаро талаблар даражасига етказиш мумкин эмас, деб ўйлардим.

— Бухоронинг Қоракўлида курашчилар сулоласи борлигини мухлислар яхши билишади. Падари бузрукворингиз Турсун ота Юсупов ҳам беллашиш завқининг нималигини яхши билганлар. Шу жиҳатдан қараганда, миллий курашнинг бугунги кунда замонавий мақом олишига асос солиниши ҳам шу оила фарзандларининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ десак, муболаға бўлмас.

— Сирасини айтганда, ажойиб еттилар, деб ардоқлашадиган ўғлонларнинг кенжасиман. Ҳақиқатдан Назирқули, Жўрақули, Нурмуҳаммад, Шермуҳаммад, Музаффар ва Норқулилар курашнинг жонкуярларидан бўлишган. Майдонларда ўзларини кўрсатишган. Ҳар қалай орзунинг ушалиши истиқлол нафасига мос келиши ҳам ниятнинг холислигидан бўлса керак. Маслаҳат билан курашни ҳаммабоп, яъни жаҳон майдонларида қўлласа бўладиган даражада шакллантириш ҳақидаги фикрим маъқулланиб, 1991 йили миллий кураш федерацияси тузилди. Ишлар юришиб кетди. Бошламасига Қоракўлда отам хотирасига бағишланган мусобақа ўтказилди. Кейин биласиз баҳсларга баҳслар уланди. Ат-Термизий, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Бобур хотирасига бағишланган халқаро ва бошқа юзлаб мусобақалар ўтказилди. Вазифа жаҳон дзюдо федерациясининг биринчи вице-президенти Франс Хокендайк ҳамда Жанубий Корея, Болтиқбўйи давлатлари, Грузия, Россия кураш федерацияларининг хайрихоҳлик билдираётган бир пайтда курашимизни жаҳонда миллионлар эътироф этишини, яқин келажакда полвонларимиз ҳам олимпиада майдонларида жавлон уришларини рўёбга чиқаришни кўзлашдир.

— Биринчи марта ўтказилаётган халқаро мусобақа олдидан мухлисларга шахсан ўзингиз ишлаб чиққан кураш усуллари ва ҳакамлар учун йўл-йўриқлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Курашда полвонлар ҳаракатига қараб ҳакамлар томонларнинг ютуқ ва камчиликларини баҳолаб турадилар. Чунончи, «Ҳалол» соф ғалабада айтилса, «Ёнбош» ярим ютуқ деганидир. «Чала» — тўлиқ ишлатилмаган усул, «Танбеҳ» — биринчи огоҳлантириш, «Дакки» — иккинчи огоҳлантириш, «Ғирром» — сўнги огоҳлантириш, «Тўхтанг» — беллашувни тўхтатиш, «Бекор» — курашни яна давом эттиришга рухсат, «Тенг» — вақт тугагач иккала томон баҳосиз қолади, «Вақт» — ажратилган вақтнинг тугашидан нишона. Ўйлайманки, бу сўзлар нафақат курашчилар, мухлисларга ҳам ёд бўлиб кетади. Чунки бу сўзлар содда ва жарангдор. У ёғини сўрасангиз курашимиз қоидалари, услублари ва тарихи ҳақидаги адабиётлар кўпгина мамлакатларга тарқатилган. Бизни қувонтираётгани жойлардан «курашингиз ҳақиқатан ҳам бизбоп, қизиқарли экан» деган хушхабарлар келиб турибди.

***«Президент соврини»***

— Мусобақаларга тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Назаримда халқаро мусобақа биз ўйлагандан ҳам зиёда буладиган кўринади. Жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан полвонлар таклиф қилинганди. Ҳозир мўлжалдан ортиб кетди. Бу қувончли албатта. Биз ҳам шунга яраша ташкилий-тадбирий жиҳатдан ҳозирлик кўрганмиз. Меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш халқаро талаблар асосида бўлади. Пойтахтнинг «Жар» спорт мажмуи ҳар қачонгидан гавжумлашади. Қизиғи шундаки, курашга фақат мутлақ вазндагилар, яъни тоши оғир полвонлар таклиф қилинган. Жумладан, украиналик Владимир Русляковнинг вазни 202 килограмм бўлса, грузин Давид Хахалашвилининг тоши 180 килограммдан ортиқ. Юртимизга АҚШ, Англия, Испания, Голландия, Венгрия, Польша сингари ривожланган мамлакатлардан алпқомат йигитларнинг келиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан бошланган хайрли иш бундан буён анъанавий тус олиб, дунёдаги энг қизиқарли спорт тадбирларидан бирига айланиб қолиши кутилмоқда. Полвонларимизга ҳам алоҳида эътибор қилинди. Тоштемир, Эрали, Баҳром, Рустам, Абдуқодир, Махмадўст, Алишер полвонлар учун бу мусобақа ўзига хос синов, маҳорат мактаби бўлиши мумкин. Полвонларимизнинг кийимларига аҳамият берган бўлсангиз, ажиб маънони англайсиз. Улар мовий-яшил байроғимиз тимсолида кийинишган. Ният улар қалбида ватан ифтихорини жўш урдиришдир. Боиси, улар биринчи марта жаҳон чемпионатлари ва олимпиада ўйинларининг совриндорлари билан беллашадилар. Аммо биз ўзбекона тантилик, мардлик, сабот ва матонат, қолаверса, курашимизнинг ажиб фазилатларини намойиш этишга чоғланганмиз.

***Суҳбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ***

# Диққат марказида: ҳуқуқий маданиятни ошириш масалалари

**Хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг 28 августда бўлиб ўтган мажлисида «Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги иштироки тўғрисида»ги масала кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Қуйида унинг баёни эълон қилинмоқда.**

Қарорда таъкидланишича, Ўзбекистон ХДП тузилмаларидаги йирик ва нуфузли бўғинлардан бири — Тошкент шаҳар ташкилоти партия Дастури ва Миллий истиқлол мафкураси ғояларини аҳоли барча қатламларида кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш, республика Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсати мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш, уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этишга кўмаклашиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Шаҳар, туманлар партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган ХДП аъзоларининг кучғайратини Тошкентни замонавий ва кўркам шаҳарга, жаҳондаги энг гўзал пойтахтлардан бирига айлантиришга муносиб ҳисса қўшишга, туб ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни маънавий янгиланиш соҳаларида барча юртдошларга ибрат кўрсатишга қаратмоқдалар.

Шаҳар партия ташкилоти кейинги пайтларда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига эътиборни кучайтирди. Ушбу масала Тошкент шаҳар ва туман партия кенгашлари пленумлари ҳамда ижроия бюролари мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар ва тадбирлар режалари қабул қилинди, ҳуқуқий тарғиботга бағишланган ягона кун тартиби билан партия йиғилишлари, семинар-кенгашлар ўтказилди, тарғиботчилар учун услубий ашёлар тайёрланиб, фаолларнинг ўқишлари ташкил этилди. Аҳолининг ҳуқуқий савиясини кўтариш, унинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда маъруза, суҳбат, учрашув, «давра суҳбатлари», илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда, янги қонунларни ўрганиш йўлга қўйилган. Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза, Юнусобод туманлари ва «Ёшлик» туман-ҳудудий партия ташкилотлари бу ишларда, шунингдек, ёш авлод тарбиясига доир тадбирларни мунтазам ўтказишда маълум тажриба тўпладилар. Шаҳар ва туман партия кенгашлари ушбу ишларни ташкил этишда Олий Мажлис ва шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳокимликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, ўқув юртлари, илмий муассасалар жамоалари, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» марказларининг шаҳар, туман бўлинмалари, хотин-қизлар қўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Шу билан бирга, дейилади қарорда, Тошкент шаҳар партия ташкилоти фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш ва савиясини оширишни таъминловчи катта имкониятларга эга. Жумладан, мамлакат пойтахти-

### ХДП ҳаёти

нинг бой илмий ва маданий салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиб, ХДП аъзолари ва аҳоли турли қатламлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларга зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини кўпроқ жалб этиш, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқотда алоҳида олинган тадбирлардан умумшаҳар яхлит тизимини шакллантиришга ўтиш, ушбу йўналишдаги тадбирларга доимийлик, давомийлик тус беришига эришиш мумкин. Тошкент Давлат юридик институти, ЎР ИИВ Академияси, республика ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш муаммолари билан шуғулланувчи янги муассасалар, шаҳар рўзномалари ҳамда кўпнусхали газеталар таҳририятлари билан ушбу масалада ҳамкорлик қилиш, ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳузурида тузилган «Маърифат» марказларининг имкониятларини тўла ишга солиш ҳам фойдадан холи эмас.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг партия аъзолари ўртасида ҳамда аҳоли турли қатламларида миллий истиқлол ғояларини, юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсатининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, мамлакат Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти ички ва ташқи фаолиятининг тақдиршумул аҳамиятини ватандошларга тушунтириш, хусусан фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бобида муайян тажриба орттирганлигини қайд этиб, шаҳар партия кенгаши зиммасига ушбу соҳада қилинаётган ишлар кўламини кенгайтириш ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унинг тўлатўкис бажарилишини таъминлаш вазифасини юклади. Партия ташкилотлари уюштирадиган ёки уларнинг иштирокида ўтказиладиган шу йўналишдаги барча тадбирлардан асосий мақсад, — дейилади ҳужжатда, — «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларни қонунларга тўла риоя қиладиган қилиб тарбиялаш, уларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиришдан иборатдир. Ушбу мақсадда пойтахтнинг улкан илмий-маданий салоҳияти, ХДП ташкилотларининг барча имкониятлари ва оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар соҳасида тўпланган тажрибасидан, «Маърифат» марказлари, доимий ҳаракатдаги сиёсий клублар, марказий, маҳаллий ва кўп тиражли матбуот нашрларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, унда ўтказиладиган тадбирларнинг савияси ва таъсирчанлигини ошириш учун, бу ишга Олий Мажлис ва шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олимлар, олий ва махсус ўрта ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини янада кенгроқ жалб этиш, республика ҳуқуқий маърифат-тарғибот маркази ва унинг жойлардаги тузилмалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан амалий алоқаларни кучайтириш лозимлиги уқдириб ўтилди. Шу билан бирга, шаҳар партия кенгашига, ХДП аъзолари ва унга хайрихоҳ партиясиз фаоллар учун уюштириладиган ҳуқуқий мавзулардаги тадбирларнинг мунтазамлигини ҳамда уларнинг юксак илмий-ғоявий савияда ўтишини таъминлаш мақсадида, партиявий ўқувларнинг ягона тизимини шакллантиришга ўтиш тавсия этилди. Бу ишга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида бошланғич партия ташкилотларида ўтказиладиган машғулотларнинг намунавий режаси тасдиқланди.

Сиёсий ижроқўм ХДП Қорақалпоғистон Республика ва барча вилоятлар кенгашларига «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишга берилаётган кўмакни кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларида ҳуқуқий тарғиботни тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўришни, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларига — мазкур нашрлар саҳифаларида қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқий тарбия масалаларини мунтазам ёритиб боришни таъминлашни топширди.

***Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати***

# «Фитна ўлимдан

Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг дастуруламали бўлиб келган. Бутун кўҳна тарих давомида диний тарбия дейилганда, асосан ибодат тушунилган. Бунга ибодат орқали эришишга ҳаракат қилинган. Диний тасаввурлар, диний билимлар воситасида ҳар бир одам ўзининг руҳини, ҳолатини, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ички дунёсини, дунёқарашини, таъбир жоиз бўлса, маънавий дунёсини, маънавиятини тарбиялашга, уни шакллантиришга интилган.

Демак, дин тарбиявий жараённинг энг мураккаб ва энг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам дин маънавиятни шакллантирувчи асосий омиллардан бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда улкан маънавиятимизни ташкил этувчи йирик масалалардан бири Ислом назарияси ва тарихи, Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, Ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий муаммоларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этишдан иборатдир. Ислом дини асрлар давомида жамият аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашини, одамлар унинг инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа миллатлар ва динларга эҳтиром, олийжаноб ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоқда. Ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг Ислом тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини билмоқ, ҳар қайсимиз учун жуда муҳимдир.

Маълумки, инсон кундалик ҳаётида моддий қаноат топиши билан чегараланиб қолмасдан, ўзи ҳали сабабини англаб етмаган ҳолда олий бир юксакликка интилган. Унинг бу интилишлари маданият ва маънавиятнинг шаклланишига, маданий ҳаётнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам этиб яратганлиги Қуръони каримнинг «Ал-Исро» сураси 70-оятида шундай баён этилган:

«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам қилдик, уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларда) юрадиган қилиб қўйдик. Ҳамда ҳалол ва пок нарсалардан ризқ-рўзий бердик, уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик».

Демак, инсон — бу дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичра сарваридир.

Ислом фалсафасига кўра, маънавият деганда, биз биринчи галда, инсоннинг илмий қараши билимлари йиғиндисини , уни ўраб турган ҳаёт жараёни ҳақидаги маълумотлардан ташкил топган ички дунёвий ҳолатини тушунамиз.

Шундай экан, бугунги кунда маънавиятимиз замирида ётган нарса фақат дин омили эмаслиги ўз-ўзидан аниқ ва равшандир. XXI аср бўсағасида яшаётган ҳар бир инсон маълумотлар «гирдоби» марказидадир. Шу боис, маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб саноғига ета олмаймиз. Улар жумласига маданий ҳаётимизни ташкил этувчи жиҳатлар, яъни илм-фан, адабиёт, санъат, мусиқа, шеърият, тасвирий санъат қабилар киради. Буларнинг қай бири ҳақида фикр юритмайлик барчаси ички дунёмизга таъсир этади, қалбимизда из қолдиради, маълум ҳиссиётларни уйғотади, эзгуликка чорлайди. Маънавиятимизнинг қай даражада бўлишида бизни ўраб турган атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, моддий ҳаёт катта аҳамият касб этади.

Демак, маънавият юқори бўлиши учун биз ишни фақатгина маълум йўналишда олиб бориб, бошқа жабҳаларни четга суриб қўйишимиз мумкин эмас. Маънавиятимизни юксалтиришда биз динга мурожаат қилиб, фақат диний эътиқод, диний билимларни бирдан-бир омиллик, яъни фанатизм йўлидан борувчи турли бузғунчи оқимлар — Ислом фундаментализми, экстремизми, ваҳҳобийлик-миссионерлик кўринишлари шулар жумласидандир.

Шу кунларда «ақидапарастлик» деган сўз тез-тез тилга олиняпти. У ҳақидаги турли фикр-мулоҳазалар, талқинларнинг гувоҳи бўляпмиз. Мустақил йўлдан борувчи ҳар бир давлатнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Айни пайтда чеккада туриб йўл кўрсатиш истагида юрганлар ҳам оз

1

га айлантириб, бошқа омиллардан юз ўгирсак ёки уларни сунъий равишда эътироф этмасликка интилсак, унда бизнинг маънавий қиёфамиз кўп қиррали эмас, бир тарафлама бўлиб қолиши аниқ. Бу эса маънавий чекланишга, таассубга олиб боради. Демак, дунёвий давлатда биз барча омилларнинг ютуқларидан фойдаланишга интилмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий-маънавий муҳит қанчалик соғлом, қанчалик юксак бўлса, ижтимоий ва ахлоқий қиёфамиз ҳам шунчалик юқори бўлади.

Афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий-маънавий ҳаётимизга раҳна солувчи, жамиятда носоғлом вазиятни вужудга келтирувчи, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар пайдо бўлиб қолди.

Жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, дин ниқоби остида ўзининг ғаразли мақсадларига етишиш воситаси, мутаассиблик эмас. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўналишларини кўрсатишдан ожиз бўлган ҳолда, бу муаммоларнинг осонгина ечими сифатида динлар вужудга келган замонлардаги жамиятда мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитларга қайтишни таклиф этувчи диний-сиёсий оқимлар, яъни фундаменталистларча қайфиятда юрганлар ҳам бор. Ана шундай оқимга ваҳҳобийлар ҳам киради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг дин аҳлига катта эркинликлар берилди. Ана шу эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиш учун ҳар хил бузғунчи оқимлар қаторида ваҳҳобийлик ҳам юртимизга кириб кела бошлади. Улар ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли йўллар билан соддадил халқимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилдилар.

Натижада диёримизда миссионерлик

2

# Далаларда қўш байрам

***Айни дамларда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида қўш байрам нишонланмоқда. Зеро, ҳосил эрта етилгани туфайли далаларда ҳақиқий меҳнат шукуҳи бошланди. Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам теримни бошлаб юборишди. Бу ерда пахтани эрта етилтириш борасида катта тажриба тўпланган. Масалан, ўтган йили миришкорлар ҳар гектар майдондан 37 центнердан хирмон кўтаришди. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил 618 гектар майдонга ғўзанинг тезпишар «Наманган» нави экилган. «Термиз-32» навли ингичка толали пахтадан ҳам мўл ҳосил олиш кўзда тутилган. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарёдаги филиали селекционерлари яратган ингичка толали пахтанинг ушбу нави мўл ҳосил бериши кутилмоқда. Давлат нав синаш комиссияси мутахассислари янги навнинг сифатига юксак баҳо беришди. Толасининг узунлиги халқаро талабларга тўла жавоб беради. Унинг толасидан юксак сифатли матолар тўқиш мумкин.***

***Айни пайтда пахтакорлар уюшқоқлик билан меҳнат қилишаётир. Ҳар бир чаноқ ардоқда. Айниқса, «Термиз-32» навли пахта эҳтиёткорлик билан йиғиштириб олинмоқда. Шу кунларда мингдан зиёд киши далаларда тер тўкмоқда. Теримчиларнинг ҳар бири хирмонга 80-100 килограммдан пахта териб тўкмоқда.***

***Суратларда:***
***1. Илғор теримчи Шаҳло Юсупова.***
***2. Янги ҳосил пахтаси хирмонда.***
***Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар***

**«Ўзкоопстрахфонд» Ўзбекбирлашув суғурта жамғармаси республика кенгашининг 1998 йил 1 январь ҳолатига**

**БАЛАНСИ**

*(минг сўмда)*

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар | 3156 | Устав капитали | 9398 |
| Шўъба корхоналарига берилган қарзлар | 2874 | Тақсимланмаган фойда | 77 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 24 | Мақсадли тушумлар ва фондлар | 15705 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 851 | Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар | 29 |
| Келгуси давр сарфлари | 58 | Узоқ муддатли қарзлар | 1037 |
| Пул маблағлари | 3164 | Қисқа муддатли қарзлар | 4034 |
| Қисқа муддатли қўйилмалар | 2184 | Мол етказиб берувчилар | 12 |
| Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш | 29 | Иш ҳақи бўйича қарзлар | 155 |
| Бюджет билан ҳисоблашиш | 391 | Бюджет бўйича қарзлар | 166 |
| Шўъба корхоналари билан ҳисоблашиш | 25 | Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар | 92 |
| Бошқа дебиторлар | 49 | Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар | 520 |
| | | Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар | 66 |
| | | Шўъба корхоналарига қарзлар | 508 |
| | | Бошқа кредитлар | 6 |
| БАЛАНС | 31805 | БАЛАНС | 31805 |

***Баланснинг тўғрилиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг № 262 рухсатномасига эга бўлган «Б-Аудиткооп» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.***


# «Берган сутимга розимасман...»

## *Ёки жиноятчи нега олий жазога ҳукм қилинди?*

Ёзнинг жазирама кунларидан бири. Ернинг тафти баланд. Оёқ боссанг куйдиради. Кўчадан чанқаб келган Нурбек косани тўлдириб сув ичди. Оразарак атрофни кузатди. Қорни оч. Егани ҳеч вақо йўқ. Нима қилиш керак? — ўйларди у. Меҳнат қилиб нон топиш хуш келмайди. Қарз сўраб пул олмаган таниши ҳам қолмади. Кимдан пул олсам бўлади? — деди ўзига ўзи пичирлаб. Нимандир ўйлаб топди, шекилли, бирдан сергакланди. Бу фикрни Фахриддинга айтсам, балки қўшилар. Бир калладан икки калла афзал, дейишадику, ахир. Терлагандан ёқаси қорайиб кетган кўйлагини эгнига олди-да, шошилганча кўчага отланди.

Фахриддин бекорчиликдан нима қилишини билмас, ювадаси чиқиб кетган болишни кўчоқлаганича кўкрагини ерга бериб ётибди. Аҳён-аҳёнда икки оёғини кўтариб қўяди. Шу вақт эшикдан бароқвой миёвлаб кириб келди ва ўтириб олиб жажжи панжаларини тили билан намлаб юзини ювa бошлади. Уни кузатиб турган Фахриддин мийигида кулди. Мени ким ҳам излаб келарди, бароқвой дўстим, деган ҳам эдики, уйнинг кўнгироғини кимдир қайта-қайта босди. У ўрнидан туриб эшикка яқинлашаркан, эски қадрдони Нурбекни кўрди. Икки дўст суюнганидан бир-бирини қучоқлаб кетишди. Меҳмон ичкарига таклиф қилинди. Улар жойлашиб ўтириб олгач, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Жуда камнамосан, кўринмайсан? — сўради Нурбек.

— Юрибмиз, ўртоқ, юрибмиз. Ҳозир шаҳарчада бекорчилар шоҳиман. Қилишга иш йўқ. Қишлоққа кетай десам, у ёқни шароитини ўзинг биласан, ҳалигидай... Қўй мени, ўзингдан гапир, ўзингдан.

— Мени нимамни сўрайсан. Ғирт бекорчиман. Чўнтак касал, юрибман бошни қашиб.

Ўртада анча вақт жимлик сақланди. Сўнгра Нурбек яна гапини давом эттирди. Сени ҳам аҳволинг оғир экан. Кўриниб турибди. Нима қилсак бўлади экан-а?

— Яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Маслаҳатлик тўй тарқамас, дейишади. Биргаликда жиддий фикрлаб кўрайлик-чи.

— Менда бир фикр бор. Сен уни қўллармикансан. Лекин, сал қалтисроқ фикр.

— Гапир-чи, қанақанги соғлом фикр экан у.

— Ҳозирги вақтда биласан савдо билан шуғулланувчилар кўпайиб кетишган. Шулардан нинг акиллашлари-ю, чигиртканларнинг тинмай чириллашлари эшитилди. Ҳамма ширин уйқуда. Муюлишдаги Ҳамза кўчаси. Икки шарпа қўлларида алланималарни олиб савдогар Қаҳрамон Жумаевнинг омборхонаси атрофида айланишарди. Улар олдин атрофни зимдан кузатишди. Ниҳоят, ишга киришдилар. Зум ўтмай, орқа девордан туйнук очишди. Ичкарига кириб қопларда нималарнидир олиб, жуфтакни ростлашди.

Эрта тонг. Уфқ эндигина қизариб келмоқда. Сайроқи қушларнинг турли хил чуғурлашлари, даканхўрознинг қичбирортасининг уйини ...

— Каллангга балли, ўртоқ, каллангга. Беш кара беш?

— Йигирма беш, — дея жавоб бераркан Нурбек, қўлини Фахриддинга чўзиб қўйди.

Тун. Дўстлик шаҳрида осойишталик. Кўкда юлдузлар чарақлаб турибди. Тўлин ой шуъла сочмоқда. Онда-сонда итларнинг акиллашлари-ю, чигиртканларнинг тинмай чириллашлари эшитилди. Ҳамма ширин уйқуда. Муюлишдаги Ҳамза кўчаси. Икки шарпа қўлларида алланималарни олиб савдогар Қаҳрамон Жумаевнинг омборхонаси атрофида айланишарди. Улар олдин атрофни зимдан кузатишди. Ниҳоят, ишга киришдилар. Зум ўтмай, орқа девордан туйнук очишди. Ичкарига кириб қопларда нималарнидир олиб, жуфтакни ростлашди.

Эрта тонг. Уфқ эндигина қизариб келмоқда. Сайроқи қушларнинг турли хил чуғурлашлари, даканхўрознинг қичқириши субҳиламдан дарак берарди. Бахтиёр одатдагидек эрта туриб ҳовли эшигидан кўчага чиқди. Сайр қилиб юраркан, қўшниси Қаҳрамоннинг омборхонаси орқасидаги туйнукни кўрди. Бу ҳақда уй эгасига хабар берди. Қаҳрамон омборхонага кирганда 40600 сўмлик савдо моллари жойида йўқ эди. Бундан воқиф бўлган тезкор гуруҳ етиб келишди. Уларнинг аниқлашича, ўғри икки киши бўлишган. Бир киши бу ишни эплай олмайди. Топқирликда устаси фаранг ходимлар ўғриларни бирини тутиб келишди. Иккинчиси қаёққадир ғойиб бўлганди...

Куз. Дарахтларнинг барги сарғая бошлаган. Далада иш қизғин. Деҳқонлар йиғим-терим ишлари билан банд. Хуллас, йил давомида қилинган меҳнатни сарҳисоб қилиш вақти. Шунингдек, Қозоқовул қишлоғида яшовчи Адолат опа Раҳимованинг оиласи ҳам пешона тери эвазига етиштирган кузги ҳосилни йиғиштириш ташвишида. Ана шундай кунларнинг бирида уларнинг уйига Адолат опанинг жияни Нурбек меҳмон бўлиб келди. Жиянининг келганидан Адолатнинг қувончи чексиз. Меҳмонга чой қилишди. Ҳурматини жойига қўйишди.

Қоронғу туннинг қора ишлари. Атрофни зулмат қоплагандай. Ҳамма ширин уйқуда. Фақат Нурбек уйғоқ. Қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ташқарига чиқди. Ёмғир сепалаб турибди. Кундуз куни кўз остига олиб қўйган темир бўлагини қўлига олди. Оҳиста қадамлар ташлаб жияни Салима ва куёви Адҳам ётган уйга яқинлашди. Эшикни пинҳона очаркан, кириши билан Адҳамнинг бошига темир бўлаги билан урди. У ҳушини йўқотди. Буни кўрган Салима овози борича чинқирди. Адолат опа қизининг аччиқ овозини эшитиб, у ётган хонага шошилди. Буни сезган Нурбек зулмат ичида яширинди. Адолатнинг бошига темир бўлаги билан чунонам туширгики, у беҳуш бўлиб эшик остонасида йиқилди. Навбат Салимага келди. Йўқ, уни осонликча қўлдан бергиси келмади. Маҳкам бағрига босди. Аёл бўрига ўлжа тушган қўзичоқдай типирчиларди. Секин-секин Салиманинг қўллари, оёқлари ҳаракатдан тўхтади. Зўрға «керак эмас, Нурбек ака» деган гапи-ю, қаттиқ-қаттиқ нафас олгани эшитиларди холос... Шум ниятига етган Нурбек кирдикорларидан ҳеч ким хабар топмаслиги учун ҳолсизланиб ётган Салиманинг бошига темир бўлаги билан қайта-қайта урди. Боши мажақланган Салима дорилфанодан дорилбақога рихлат қилди. Разилликни ўзига касб қилиб олган Нурбек Салиманинг тилла тақинчоқлари, Адҳамнинг кийимлари ва Адолат опанинг 3500 сўм пулини олиб ташқарига чиқди. Кетмоқчи бўлган ҳам эдики, нимадир эсидан чиққандай бўлаверди. Э воҳ, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган хурлиқони қаерга ташлаб кетаман, — деди ўзига ўзи. У билан хайрлашмасам хафа бўлади...

Қизча ширингина уйқуда ётарди. Нурбек унга бошқача тикилди. Нима қилсам экан-а, — ўйлади йигит. Кўзи электр симига тушди. Уни олдида ўзини қизчанинг устига ташлади. Олдинига бўғди. Қийноққа чидолмаган қизча қаноти синган қушчадай типирчиларди. Эсанкираб қолди. Кучининг борича нозик қўллари билан Нурбекнинг кўкрагидан итарарди. Афсуски, нозик қўллар забардаст қўллар олдида ожизлик қилди... Ҳолсизланиб ўзини йўқотди. Ўзига келганда бокиралиги кетганлигини билгандан сўнг юмюм йиғларди...

Жомбой туман суд зали. Йиғилганларнинг ҳаммаси нафрат билан панжара ортидаги қора курсида ўтирган Нурбек Савировга тикилишарди. Залда жимлик эълон қилинди. Суд ҳукми ўқилди. Нурбекни энг олий жазо — ўлимга маҳкум этдилар.

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади, — деганлари шу бўлса керак. Инсоннинг бунчалик тубанликка юз тутишини қандай тушунса бўлади? Мени бир нарса ажаблантиради. Жиноятчи биринчи жиноятга қўл урганидан кейин орадан анча вақт ўтган. Шу вақт ичида ўша жойлардаги маъмурий органлар нима билан шуғулланишди экан? У иккинчи жиноятни содир этиб, бутун бир оила бошига фожиа келтиргандан сўнг уни айблашдан не ҳожат. Турмушимизда бундай воқеаларнинг турли хилини учратсак бўлади. Бироқ, бўларкан деб қўл қовуштириб ўтириш мумкинми?

... Кўзларидан оқаётган ёш юзларида маржон-маржон тизилади. Йиғлагандан кўзлари шишган онанинг сўзлашга мадори қолмаган. Юзларини рўмолча билан артади. Бўғилиб шундай дейди, «Бунақанги бола бўлганингдан кўра ёшлигингданоқ... Сени шу умидда оқ тараб, оқ кийгизганмидим? Бунчалар бағримни қон қилдинг, номард ўғил! Энди одамлар орасида қандай юраман. Одамлар кўзига қандай қарайман. Берган сутимга розимасман...»

***Мурод АЛИМ ўғли***

# ҳам ёмонроқдир»

ҳаракати авж олиб, халқимиз орасида, хусусан, мусулмонлар ўртасида низолар келиб чиқиш хавфи пайдо бўлди.

Сўнгги пайтларда диёримизда дин ниқоби остидаги экстремистлар, ваҳҳобийлик кўринишидаги ақидапарастлар ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлати қуриш, халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уриндилар. Бунга Наманган воқеалари яққол мисол бўла олади.

Ваҳҳобийлик оқимининг ғаразли ҳаракатларини бу йилги ҳаж мавсуми даврида, ўша муқаддас жойларда ҳам гувоҳи бўлдик. Яъни, ватангадо, юртимиздан қочиб, ҳозирда хориждан бошпана топган баъзи бир ғаламислар — ваҳҳобийлик оқимининг намояндалари мустақил мамлакатимиз ва унинг раҳбарияти шаънига нолойиқ, иғво сўзларни айтиб, ҳаттоки муқаддас зиёратгоҳдаги турли тошларга ана шундай сўзларни ёзиб қолдирганликларини ҳам кўрдик. Бундай ишлар бизни жуда даргазаб қилди ва уларга нисбатан нафратимизни янада оширди.

Аллоҳ таолонинг каломи — Қуръони каримда одамлар орасида иғво, фитна-фасод ва ғаламислик уруғини сочиш, қатъий қораланиб, шундай дейилган:

«Фитна ўлимдан ҳам ёмонроқдир» («Бақара» сураси, 191-оят).

Шунинг учун Ислом фундаментализми, экстремизми, ваҳҳобийлик кўринишдаги турли ақидапарастларнинг олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш муҳим вазифамиздир.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларидан бирида шундай дейилган: «Ғазот пайтида ҳазрат Усомага қилич урриб, лекин унга зарар етказа олмай қочган мушрикни ҳазрат Усома ортидан қувиб етадилар. Қўрқувдан саросимага тушган мушрик қўлидаги қиличини ташлаб «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтади. Шунга қарамай Усома мушрикни қатл этадилар. Бу воқеа Расулуллоҳ саллаллоҳуалайҳи васалламга етиб боради. Он ҳазрат Усомани чақириб, унга шундай дейдилар:

— «Ла илаҳа иллаллоҳ» дегандан кейин ҳам ўлдирдингми?

— Ё Расулаллоҳ, у одам менинг қиличимдан қўрқиб «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтди, — деди ҳазрати Усома.

Шунда Пайғамбаримиз: «Сен уни қалбини ёриб кўрдингми? Мени Аллоҳ таоло одамларни зоҳирига юборган, уларнинг ичларини Аллоҳнинг ўзи билади, дедилар».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг янгидан қабул қилиниши, ҳозирги замон талаби, ҳаёт тақозоси бўлиб, биринчи навбатда, ҳақиқий диний эътиқод эркинлигининг ҳимояси учун фойдалидир.

Шу кунгача амалда бўлган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун 1991 йилда, яъни Ўзбекистон Конституциясидан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу қонун ҳозирги давр талабига жавоб бермай қолди.

Буюк келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун катта аҳамиятга эга бўлган, демократиянинг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлигига оид қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида улкан воқеа бўлди. Иншооллоҳ, бу дастуруламал Ватанимиз тараққиёти, динимиз равнақига катта хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўнгги пайтларда жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, дин ниқоби остидаги экстремистлар, ваҳҳобийлик кўринишидаги ақидапарастлар пайдо бўлиб, умуммақсадимиз ва келажагимизга хавф солмоқда. Ана шу таҳдиднинг олдини олишда, муқаддас динимизга ёт бўлган бундай оқимлар пайини қирқишда янги таҳрирда қабул қилинган қонун — муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Диний-ижтимоий ҳаётимизда муҳим қўлланма бўлган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни ўқиб-ўрганиб, турмушга татбиқ этиш, кенг халқ оммасига тарғибу ташвиқ қилиш дин аҳли, уламолар, имом-хатибларнинг ҳам долзарб вазифалари бўлмоғи лозим.

*Миллат ва маънавият*

***Муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ,***
***Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси***

## Каддафи талабни рад этди

Ливия раҳбари Муаммар Каддафи Шотландиянинг Локерби шаҳрида бундан ўн йил бурун авиалайнерни портлатишда айбдор деб гумон қилинаётган икки ливияликни АҚШга топширишдан бош тортди. Бироқ, Ливия Нидерландияда бўлиб ўтадиган суд жараёнига розилик билдирди. Ливия АҚШ, Буюк Британия ва Нидерландияни суд жараёнини олиб бориш юзасидан музокаралар ўтказишга чақирди.

Ливиянинг икки фуқароси устидан суд жараёни ҳақиқатан ҳам Нидерландияда ўтказиладиганга ўхшайди. 1988 йилнинг декабрь ойида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 270 киши қурбон бўлган эди. Голландия ҳукуматининг фикрича, ушбу қадам халқаро ҳуқуқни мустаҳкамлаш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш, шунингдек, Нидерландиянинг халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади.

*АҚШ. Конгресменлар биноси.*

# Инсоният юлдузларга учоладими?

## *Ҳа, фақат башарият бир ёқадан бош чиқарса*

**Улуғ юлдузшунос бобомиз Мирзо Улуғбек юлдузлар туркумини ўзи қурдирган обсерваторияда кузата туриб ўша юлдузларга чиқишни орзу қилган бўлса не ажаб. Ундан аввал ҳам юлдузларга қизиқиш бўлганлиги табиий. Қаранг, неча асрлардан бери инсониятнинг бу орзуси фақат орзулигича қолиб келмоқда-я. Нега? Бунинг сабаблари кўп. Фақат шунга қувонишимиз мумкинки, асрий орзу амалга ошиши яқин. Бундай дейишимизга бугунги умумбашарий тафаккур, техник онг ривожи имкон беради.**

**«Инсониятнинг юлдузларга учиши муқаррар», дейди фантастлар ва бу фикрни кўп такрорлашади. Шунинг учун бу фикр бугунги кунда кўпам ғайритабиий туюлмайди ва бу исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқатдир. Бироқ ушбу ҳақиқат қачон ижобат бўлади ва бунга инсоннинг қурби етадими-йўқми олимлар мана шунга шубҳа-гумонлар билан қарашади.**

**Сабаб:**

**Биринчидан, ўта узоққа учишнинг маъно-моҳияти йўқ, — дейди улар, — негаки, учиб бошқа юлдузга борган тақдирда ҳам у йиққан ахборот қайтиб Ерга келгунча жуда эскириб қолади ва кераксиз матоҳга айланади.**

**Иккинчидан, юлдузлараро учадиган кема яратиш учун шунчалар улкан моддий чиқим талаб этиладики, бу чиқимларни ҳатто бутун инсоният бирлашиб ҳам қоплаши қийин.**

**Учинчидан, одамзот ўзга юлдузлар тизимига омон-эсон етиб бориши учун энг яхшиси... Ер сайёраси билан бирга саёҳат қилгани маъқул. Негаки, ҳар бир грамм оғирлик ҳисобда турадиган кемада учиш фақат ва фақат чексиз уринишлардан иборат бўлиб қолаверади. Ҳатто бугунги кун орбита станцияларининг фазогирлари-да жуда тор қулайликларда самога учиб яшашмоқда. Яна шундай савол ҳам туғилади: «Нега энди юлдузларга учишни ўйлаш керак экан? Ахир Қуёш тизими у ёқда турсин ҳатто ҳали Ернинг ўзини тўлиқ ўзлаштириб олмаган бўлсак». Бироқ бундай бўлмагур шубҳа-гумонлару, охири йўқ саволларга ўралашиб қолмаслигимиз лозим. Ахир ўзга сайёралар, ўзга юлдузлар томон учишга уринишларнинг барчасида маъно-мантиқ ва донишмандлик ётибди. Шунинг учун бўлса керак инсоният ақл-заковати аста-секинлик билан юлдузлар томон йўл очмоқда. Масалан, «Пионер — 10» дея номланган автомат фазовий аппарат 1972 йилнинг 3 мартидаёқ самога учирилган. 1983 йили у Қуёш тизимидан умуман «узилиб» чиқиб кетди ва ўзга идрок эгаларига қисқа радиотўлқин узатмалари жўнатиб, учишда давом этмоқда. Агар ҳаммаси меъёрда кетса, шундай вақт келадики, у Альдебаран юлдузига қўниб, ўша ердан хабар беради.**

*Илму ҳикмат сувни ёндирар*

**Бундан ташқари 1973 йилда «Пионер — 11» ҳам учирилган. У ҳозир ўзга юлдуз йўлига тушиб олиб, учишда давом этмоқда. Яна «Тау» ва «Аутонетикс» деган аллақандай автомат зондлар ҳам ҳали йўлда учишмоқда. Уларнинг вазифаси бўлғуси коинот кемаларининг «йўли»ни текшириш, қисқаси, «разведка» қилиб чиқиш. «Тау» лазер ёрдамида Ер билан алоқа боғлаб турибди. «Аутонетикс» эса радио тўлқинлар ёрдамида.**

**1977 йили британиялик бир гуруҳ муҳандислар юлдузлараро учадиган коинот кемасининг лойиҳасини яратишганди. У бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ, аксинча, классик аҳамият касб этмоқда. «Дедал» деб номланган бу учувчисиз бошқариладиган кеманинг оғирлиги 54000 тонна бўлиб, илмий текширувчи ва кузатувчи турли-туман асбоб-ускуналарни Бернард юлдузига олиб бора олади. Бунинг учун «Дедал» конструкторларининг фикрича, кема двигателида ҳар секундига ҳажми ёнғоқдек келадиган 250 та ядро заряди портлаш керак, шунда кема ёруғликнинг 10 дан 1 қисми тезлигида, яъни секундига 30000 километр тезликда учолади ва шундагина Бернард юлдузига 50 йил давомида етиб боролади. Бундан ташқари Сириус юлдузига 12 йилда етиб борадиган фазовий кеманинг ҳам лойиҳаси яратилган. Умуман бугунги кунгача дунё бўйича бундай лойиҳаларнинг 200 дан ортиқ тури мавжуд. Энди фақат бу лойиҳаларни амалда бажариш қолди холос. Хўш, бундай улкан ишни одамзот қачон амалга оширишни мумкин? Ҳозирча ҳеч ким айтолмайди. Негаки, Ер юзида яшаётган инсониятда ҳали инсонпарварлик етишмайди, бир-бирини қиришлар, табиатни яксон этишлар, ҳайвонот дунёсини шафқатсизлик билан «эзиш»лар ҳали барҳам топгани йўқ. Демак, бутун башарият ҳануз бир ёқадан бош чиқаролмас экан умумбашарий тараққиётни илғари силжитиш қийин кечади назаримизда. Бироқ яхши ният — ярим мол, дейдилар. Ўсиб бораётган кибернетик келажак, тўғрироғи, илму урфон чўққисига кўтарилаётган туғма истеъдод ёшларимизни назарда тутиб, олимлар башорат қилишмоқдаки, инсониятнинг юлдузларга учиши кейинги асрнинг ўрталарида амалга ошиши мумкин. Демак, улуғ бобомиз Улуғбек орзулаган юлдузлар қўйнида инсон нафаси уфуришига ҳам оз қолди. Иншооллоҳ, юлдузли кунлар яқин.**

***Алимқул СУЛТОНОВ***

## *Мукофот муборак*

*Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг еттинчи йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва нжтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра Ғиждувон туман фидойилари, ўз вазифаларини қойилмақом қилиб бажараётган замондошларимиз муносиб тақдирландилар. Улар орасида Ғ.Ланувчан ҳамкасбимиз, газетамиз «нақшин» Султонов Алимқул Тошбековичнинг ҳам бор. Илҳом жўш урган, кўксини «Шуҳрат» медали безаган масъул котибимиз газетамиз шуҳратини янада юксакларга кўтаришга хизмат қилаверишига тилакдошимиз.*

***«Ўзбекистон овози» ижодий жамоаси.***

# Ҳафталик кўрсатувлар



## ДУШАНБА 7

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 Дилрабо тароналар.
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб».
9.50 «Жаҳон спорти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Олмазор». Бадиий фильм.
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.00 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Озод элнинг ўғлиман».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совғасига учун Халқаро турнир.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Биржа ва банк хабарлари».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Сиз соғинган оҳанглар». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.35 Диққат, премьера. М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 39-кўй.
23.15 «Ахборот».
23.40 — 23.45 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II

*18.00 Кўрсатувлар дастури.*
*18.05 «Мультфильм».*
*18.20 Дунё ва болалар.*
*18.40 «Олтин мерос».*
*19.00 «Давр».*
*19.15 «Нигоҳ».*
*19.30, 20.35, 22.15 — Эълонлар.*
*19.35 «Морена Клара». Телесериал.*
*20.30 «Ақл ёшдамас».*
*20.50 «Жаҳон».*
*21.10 «Сурур».*
*21.30 «Ўзбегим».*
*21.50 Миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун Халқаро турнир кундалиги.*
*22.00 «Давр».*
*22.20 «Синема».*
*24.00 Спорт қитъаси.*
*00.30 «Хайрли тун!».*

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.15 «Мультфильм». Болалар учун кўрсатув.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.15 «Тўртинчи ҳокимият».
22.35 «Ахборот».
23.00 «Ойдин кечалар»
«Дунё кўриб, дунёлар ярат».
«Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Кулгу терапияси».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

## ЧОРШАНБА 9

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Лирик тароналар.
8.50 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Каштекс». Премьера.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 40-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 «Жавоҳирлар бўстони».
10.55 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 41-серия.
11.10 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
11.30 «Акс-садо».
12.05 Кундузги сеанс: «Фитна». Бадиий фильм.
13.40 — 14.00 «Жараён».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Ҳисобини билганлар».
18.50 «Дунё адабиёти».
19.05 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.15 «Тўртинчи ҳокимият».
22.35 «Ахборот».
23.00 «Ойдин кечалар»
«Дунё кўриб, дунёлар ярат».
«Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Кулгу терапияси».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II



*18.00 Кўрсатувлар дастури.*
*18.05 «Мультфильм».*
*18.20 Катталарга совға.*
*18.40 «02» тўлқинида.*
*19.00 «Давр».*
*19.15 «Ватанимга қушиқларим армуғон».*
*19.20 «Очун».*
*19.35 Спектаклдан сўнг...*
*19.55 «Coscom» хабар қилади.*
*20.00 Спорт-лотто.*
*20.10 «Лаззат».*
*20.25, 22.25 — Эълонлар.*
*20.30 «Минг бир маслаҳат».*
*20.45 «Ринг».*
*21.05 «Қомус»..*
*21.25 «Олмония ҳақида ҳикоялар».*
*21.50 «Давр».*
*22.05 Хит-коллекция.*
*22.30 «Синема».*
*00.10 «Хайрли тун!».*

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Сеҳрли қутича». Мультфильм.
18.30 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
21.30 Эстрада тароналари.
21.50 «Кўзгу».
22.10 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Видео-«О».
24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

## ПАЙШАНБА 10

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ёшлар куйлаганда». Мусиқий дастур.
9.00 «Ҳаёт чашмалари».
9.20 «Созга солдим Алпомишни».
9.45 «Бармоқлар сеҳри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мунаввар дарғоҳ».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Нуроний». Тележурнал.
11.20 Тилаш Ҳўжамбердиев раҳбарлигидаги созандалар ансамблининг янги концерт дастури.
12.05 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий публицистик кўрсатув.
12.30 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 42-серия.
12.45 Кундузги сеанс. «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм.
14.10 — 14.40 «Замин фидойилари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Табиат алифбоси».
18.25 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
18.45 «Мулоқот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Онажон, сизни соғиндим». М.Тўхтасинов.
21.55 «Мулк ва муносабат».
22.10 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.45 «Сомон йўли».
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II



*18.00 Кўрсатувлар дастури.*
*18.05 «Мультфильм».*
*18.20 «Катта танаффус».*
*18.45 «Умр дафтари».*
*19.00 «Давр».*
*19.15 «Табобат оламида».*
*19.30, 20.25, 22.30 — Эълонлар.*
*19.35 «Морена Клара». Телесериал.*
*20.30 «Мутойиба».*
*20.50 «Бегойим».*
*21.15 «Дилнавоз садолар».*
*21.25 «Одобнома».*
*21.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил». Адабиёт ўладими?*
*21.55 «Дойче Велле» тақдим этади...*
*22.15 «Давр».*
*22.35 «Синема».*
*00.15 Спорт қитъаси.*
*00.45 «Хайрли тун!».*

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.30 «Даракчи».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлол илҳомлари».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Бенифис».
22.20 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ.
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

## ЖУМА 11

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Мунаввар қил». Мусиқий дастур.
8.55 «Мозийдан бир муъжиза».
9.10 «Ўйла, изла, топ!». Телемусобақа.
9.40 «Оила ва жамият».
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Ўзбекистон аскарлари.
11.00 «Бокира туйғулар».
11.20 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 42-серия.
11.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
12.35 Кундузги сеанс»: «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
13.40—14.00 «Оламни асранг».

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сурхон». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Талқин. XX аср».
21.25 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
22.10 «Қиёфа».
22.35 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури:
23.10 «Азиз сиймолар».
23.20 «Ошиқ гариб». Бадиий фильм.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II



*18.00 Кўрсатувлар дастури.*
*18.05 «Мультфильм».*
*18.20 Умид чечаклари.*
*18.35 «Уй остонадан бошланади».*
*19.00 «Давр».*
*19.15 «Шабнам».*
*19.30, 20.25, 22.15 — Эълонлар.*
*19.35 «Морена Клара». Телесериал.*
*20.30 Талабалар шаҳарчаси.*
*20.55 «Автосалтанат».*
*21.05 «Бизнес-доктор».*
*21.35 Араб эстрадаси.*
*22.00 «Давр».*
*22.20 «Синема».*
*24.00 Спорт қитъаси.*
*00.30 «Мунаввар тонг истаб...».*

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.30 «Даракчи».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Онагинам».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ёш ёзувчининг кундалик дафтари». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.25 «Унутилмас қўшиқлар».
21.50 Спорт оламида.
22.20 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ.
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

## ШАНБА 12

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Шоҳруҳ» клуби.
9.30 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси. 43-серия.
9.45 «Ёшлик» студияси намойиш этади «Шу Ватанга бордур менинг керагим». «Ғазалхон ёшлигим».
«Соғлом авлод учун».
«Илк қадамлар».
11.15 «Ёзувчи ва замон».
11.35 Болалар учун. «Кўзгу».
11.55 Кундузги сеанс»: «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
13.20 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.50 — 15.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Нефтчи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 Эстрада тароналари.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Назм ва наво». Нодира лирикаси.
21.30 «Қизлар давраси».
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.10 ЎзТВ экранида биринчи марта «Хуп булади, хўжайин». Бадиий фильм. 1—2-серияли.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II



*8.55 Кўрсатувлар дастури.*
*9.00 «Боланинг тили».*
*9.20 Қушиқ сеҳри.*
*9.35 Дунё ва болалар.*
*9.55 «Минг бир маслаҳат».*
*10.05 «Ўзбегим».*
*10.25 «Ринг».*
*11.05 Шарқ эстрадаси.*
*11.25 «Ақл ёшдамас».*
*11.45 Спектаклдан сўнг.*
*12.05 «Марду-майдон».*
*12.25 Ғазал соғинчи.*
*12.45 «Сурур».*
*13.05 «Чархпалак». Бадиий видеофильм. 2-қисм.*
*14.00 «Нигоҳ».*
*14.20 «Эркатой».*
*14.40 «Қомус».*
*15.00 «Синема».*
*16.40 «Олмония ҳақида ҳикоялар».*
*17.05 Жаҳон жўғрофияси.*
*17.55 Ватанимга қушиқларим армуғон.*
*18.00 Кўрсатувлар дастури.*
*18.05 «Мультфильм».*
*18.20 «У ким? Бу нима?».*
*18.40 «Дилбарим».*
*19.00 «Давр».*
*19.15 «Мусиқий лаҳзалар».*
*19.30, 20.25, 22.45 — Эълонлар.*

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.30 «Даракчи».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлол илҳомлари».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Бенифис».
22.20 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ.
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

## ЯКШАНБА 13

### ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ёшлик» студияси намойиш этади «Ошиқ дил наволари». Мусиқий дастур. «Ёшлар табассуми».
«Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф қоғози».
11.40 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.20 «Табаррук қадамжолар».
12.45—14.10 Кундузги сеанс»: «Қизил елканлар». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
18.10 «Олтин тож». Телеўйин.
18.40 «Рақслар гулдастаси».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 Таҳлилнома(рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 Теннис буйича Ўзбекистон Президенти совғаси халқаро мусобақаси.
22.25 Телевизион миниатюралар театри.
23.05 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.15 Кино янгиликлари.
23.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Бахт қуши». Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ-II



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Умид чечаклари».
9.15 «Катта танаффус».
9.40 «Лаззат».
9.55 Дилнавоз садолар.
10.05 «Бизнес-доктор».
10.35 «Бегойим».
10.55 «Баҳс, мунозара, таҳлил». Адабиёт ўладими?
11.15 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.35 Талабалар шаҳарчаси.
11.50 Болалар учун фильм.
13.25 Ўй остонадан бошланади.
13.50 «Чархпалак». Бадиий видеофильм. 3-қисм.
14.40 Араб эстрадаси.
15.00 Бизнес-академия.
15.20 «Сир».
15.40 «Дилбарим».
16.00 «Синема».
17.30 Спорт қитъаси.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Мультфильм».
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Келгуси ҳафтада.
19.00 «Давр».
19.15 «Нафосат».
19.30, 20.25, 22.55 — Эълонлар.
19.35 «Чархпалак». Бадиий видеофильм премьераси. 4-қисм.
20.30 «Синфдош».
20.50 «Буюк сиймолар».
21.10 «Изҳор».
21.30 Далил ва шарҳ.
21.40 «Соғинч».
22.00 Миллионлар уйини.
22.15 «Давр».
22.35 «Кинопрофи».
23.00 «Синема».
00.40 «Хайрли тун!».

### ЎзТВ-III
«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Мульти-пульти».
8.30 «Бенифис».
9.00 «Лавҳой». Телесериал.
9.45 «Билиб қўйган яхши».
10.05 «Онагинам».
10.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
11.10 «Спорт оламида».
11.40 Болалар экрани.
13.00 «Жозиба».
13.10 «Еввойи табиат».
13.35—14.05 «Нафосат гулшани».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.30 «Даракчи».
18.35 «Қалдиргоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Эгиз қушиқлар».
20.15 «Табиат шифохонаси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.25 «Глобус». Телеальманах.
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ.
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Марел» МЧЖ
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «AL-FARIS» хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 148-ўрта мактаб томонидан 1998 йил 20 июнда Жасур Пулатович НАЗАРОВ номига берилган O'R-A № 211609 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг жамлов материалларини етказиб бериш ва объектларни бутлаш шўъба корхонаси жамоаси корхона раҳбари Жасур Мамадалиевич Усмоновга волидаи муҳтарамалари
**Хайрихон она УСМОНОВАнинг**
вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бадиий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси шу институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор
**Норсаид Ойдинович ОЙДИНОВ ва ўғли Ш

*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 sentyabr, shanba № 108 (22.344).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

# Илонлар подшоси қаерда яшайди ?

## *Шерободлик машҳур илон ўйнатувчи Бобоназар Пардаев билан суҳбат*

**— Сиз қандай қилиб илонларга қизиқиб қолгансиз?**

— Илонларга қизиқишим — 6 ёшимда бобомнинг илонларини кўриб қолганман. У пайтда ҳали илон ўйнатмас эдим. Ушламагандим ҳам. Бобом морбоз бўлган. Бобомнинг оталари гипнозчи бўлган экан. Қўлида латта тутиб, мана бу пул деб одамларни ишонтира олган экан. Одамларнинг оғриғини тўхтатиб қўяр экан. Ухлатиб қўя олар экан. Мен медиинститутнинг иккинчи курсида ўқиб юрганимда бир файласуф профессор билан учрашиб қолдим. У менда гипнозга қобилият борлигини биринчи бўлиб аниқлади. Шундан сўнг ўзимни текшириб кўрдим шу нарсага. Дастлаб ўртоқларимда синаб кўрдим. Ўзим циркка қизиқиб юрдим. Учинчи курсдан кейин Тошкентдаги педиатрия институтида цирк клубини очиб бермоқчи бўлишди. Биз шунга келишиб ҳам қўйгандик. Кейинчалик мен ўқишни ташлаб кетдим, академотпуска олдим-у, қайтиб бормадим. Келиб отамга айтдим, мен шу бобо касбимни қилиб кўрай, бир цирк группа қиламан деяпман, шу группани тортиб кетсам ўқишим ҳам шарт эмас, шуни ҳам барибир Шерободда кимдир қилиши керак, дўхтир етарли, оиламизда иккита-учта дўхтиримиз ҳам бор, буғалтир ҳам, домла ҳам бор. Келинг, шу бобо касбимни ҳам қилиб кўрай, менда шунақа нарса бор, қизиқишим бор, қилиб кўрай, ота, қилай десам, бўпти, мендан нима ёрдам керак бўлса оласан, деб, отам менга ёрдам қилиб, биринчи галда биз кичкинагина цирк аттракциони қилганмиз. Мана бу илонларни топтириб келиб, ҳали кичкиналигидан, ўша пайтда бир метр ҳам чиқмасди, бир метрли илонларни олиб келиб, ўргатиб, шу группа билан томоша қўйишни бошладик-да, олдинига вилоят бўйича кўп жойларда бўлиб, концертлар бериб, ўзимизни ўзимиз шу билан боқадиган бўлиб қолдик. Ўзимизга ишонч туғилдики, ана шу санъат билан ҳам йўлимизни топиб кетсак бўлар экан. Кейин қизиқиб, группани кенгайтира бошладик. Заҳарли илонларни ўйнатиш, мана шу кобрани ўйнатишда, кўриб турибсиз, бобом уларни қандай ўйнатганлигини одамлардан сўраб, отам бизга бобомнинг сирларини гапириб берди. Заҳарли илонларни ўйнатишни ўргатиш бўйича ҳеч қандай китоб, ҳеч қандай дастур йўқ. Уни ҳар ким ўзи ўйлаб топади. Кўпинча уёқ-буёққа борганда одамлар ақл бовар қилмайдиган саволларни беришади. Заҳрини олиб қўйибсизми, дейишади. Ўзбекчиликда бунақа савол бўлмайди. Чунки, заҳар бу — сўлак. Масалан, одамнинг сўлагини олиб қўйиб бўлмайди-ку. Олиш мумкин, бир марта. Лекин у тўхтовсиз келаверади. Баъзан заҳарли тишини олиб қўйибсизми, дейишади. Йўқ. Заҳарли тишини олиб қўйсангиз, заҳарли илон касалланиб очдан ўлади. Чунки, у биз берган чумчуқни чақиб ўлдириб ютиши керак-ку, у. Шунинг учун заҳарли тишига ҳам тегмаймиз. Мана, мана шу қутида ҳозир ўшандай катта кобраларнинг биттаси турибди.

**— Уни қаердан ушлагансиз?**

— Ўзимизнинг Шерободдан ушлаганмиз. Биз шундай илонларни ўйнатаётганда оғиздан оғизга ўтиб келаётган, бобомиздан қолиб келаётган битта маълумотга эгамиз-да. Бу маълумот ҳақида ҳозир мен сизларга очиқ-ойдин айтолмайман. Етмиш-саксон фоизини айтишим мумкин.

**Илон шишиб турланаверади, атрофга гўёки разм солиб қарайди.**

**— Илонингиз ташланиб қолмайдими?**

— Йўқ, йўқ. Одамга ўрганган. Тинч турибди. Мана, ҳозир у ҳалқаланган. Ҳалқада турибди.

**— Ҳалқаланган? Қандай қилиб?**

— Жағига ҳалқа кийдирилган. Бундай пайтда қаттиқ жаҳлини чиқаришса, илон жаҳд билан оғзини очсагина ҳалқа очилиб кетиши мумкин. Бўлмаса очилмайди. Бу илонларни, мен сизга лўнда қилиб айтадиган бўлсам, битта усули — ҳалқалаш усули. Ҳалқа қўйиб бурнига, жағини таги билан, ҳозир мана жағини таги билан бурнида кўринмас ҳалқа турибди. Бу троссдан қилиниб, ип ўралиб, зангламаслиги учун шундай қилинади. Клей билан. Бунинг қандай қилиб ясалиши, қандай қилиб қўйилишини ҳеч кимга айтмаймиз.



Бу бизнинг сиримиз. Бу ҳалқалаш усули. Яна заҳарли илонни заҳарига ҳам, тишига ҳам тегилмасдан ҳаччалаш усулидан ҳам фойдаланилади. Яъни, чўктаклардан ҳачча қилинади. Яна қопқалаш, яъни бломбалаш усули ҳам бор. Бунда тишининг ичига ҳам бломба қўйиш мумкин. Яна бир жуда ингичка, нозик усули, тиш ковагига тошлар, махсус тошлар бўлади, ўшаларни қўйиш мумкин. Биз ана шундай маълумотларга эгамизки, бу ҳақда ҳеч қаерда, на китоб, на журнал, на энциклопедияларда ёзилган. Бу нарсалар бизнинг боболаримиздан қолиб келаётган нарсалардир. Мен шу нарсага қизиққанманки, келажакда бир нарса қолдирай деганман.

**— Бизда қадимда ҳам кучли морбозлар бўлган...**

— Ўзбек халқи, морбозликда, айниқса заҳарли илонларни ўйнатишда жаҳонда биринчи ўринда туради. Мен ҳиндистонлик, эронлик морбозларга дуч келганман. Ўшалар ҳам бизнинг Сурхондарёдан эканлигимизни эшитиб, морбозликда аждодларимизга тан беришганини айтишади. Масалан, ўзимизнинг Вахшиворда бир аллома ётади. Сўфи Оллоёрхоннинг номини эшитишганда чет элдаги катта-катта морбозлар ҳам бизга таъзим қилиб, бизни тавоб қилишади. Ўша одамни бир зиёрат қилсак, дейишади улар. Чунки, у одам авлиё одам бўлган. Битта хат билан илонларни бир тоғдан иккинчи тоққа кўчирган. Илонларни бир умрга қарзга ботирган, деган морбозларимизнинг орасида гурунг бор. Бу тарихда бўлган нарса. Бизга оғиздан оғизга ўтиб келган. Бизнинг ота-боболаримиз ўшал зотнинг шогирдлари бўлишган. Ўшаларнинг таълими бўйича заҳарли илонларнинг заҳрини олмасдан ҳам одам ўзига ўргатса бўлар экан. Илонларнинг қайси қанақа характерга эга бўлиши ҳақида ҳам ёзиб, шогирдлар тайёрлаб кетмоқчиман. Ўшанга қизиқиб, шу санъатнинг нонини еб юрибмиз. Болаларим билан ўйнатамиз.

**— Илонларни қандай қилиб ўргатасиз? Умуман илон ўрганадими, ўрганмайдими?**

— Албатта ўрганади. Мана каранг, дунёда донишмандлар бор-а, донишмандлар, «мудрец», уларнинг лақаби «кобра» қўйилган. Нима учун «кобра» деб қўйилган? Бу ҳеч қандай энди, осмондан олиб қўйилмаган-ку. Шунинг учун қўйилганки, дунёда энг ақлли жонзот бу кобра экан. Лекин шу кобрани ақли шунчалик тез эканки, шунчалик бир-бири билан гаплашишга уста эканки, ақлининг кучлилигидан донишмандларни ҳам «кобра» белгиси ёки рамзи билан белгилашган экан. Шундай кобраларни ушлаганимиздан кейин етти минут ичида у бизнинг қўлимизда арқондай эшила бошлайди. Етти минутда ҳар қандай ёввойи кобрани ҳам ҳалқалаб ўйната оламиз. Ёввойи илонларни ушлашда бирор ғордан, бирор тош тагидан ёки бирор дарахт ковагидан суғириб чиқазиб олиш керак бўлса, ўзининг оятлари бор, шу оятлар ўқилади. Мен кўпинча бу оятларни ишлатмайман. Чунки биз кўпинча махсус асбоблар билан ушлаймиз. Ҳаётимда икки-уч марта тўғри келган дуо билан чиқазиб олиш. Бир мартасида ўша илон бўлмаган. Икки мартасида ўзим ўқиб чиқазиб олганман. Бу ўқиган оят шундай мазмундаки, яъни, ўша илонларни қайси мазҳабда бўлсанг ҳам чиққин, Оллоҳ номи билан сени жонингга қасд қилмайман, ўлдирмайман, ўзимнинг жонимни гаровга қўяман, қабилида сўзлар битилган экан. Шунга ўхшаш, илонларнинг ўтган подшолари, уруғ-аймоқларининг номлари битилган экан ўша оятларда. Мен таржимасини, тўғрисини араб домлалардан сўраб билиб олганман. Араб домлалар билан 1990 йил Москвада ўқиб юрганимда дуч келиб қолиб, билган оятларимни мазмунини, шу тўғрими, мен морбозман, шунақа ўқийман, десам, улар рус тилмочини ўртага қўйиб, таржима қилиб беришган. Мазмунини ҳам ёзиб олганман. Мен шуни билдимки, бир мартасида, илонни олишда ўша сураларни мен ўзбек тилида ўқиб кўрдим. Илонларнинг подшолари, уруғ-аймоқлари номини ўзбекчада аниқ айтдим. Сурада қандай айтилган бўлса, шундай айтдим. Ўшанда ҳам барибир чиқиб келар экан.

**— Демак, илон ҳамма тилни билар экан-да?**

— Мен шундай деб тушундим. Чунки, шу нарса менинг ўзимда, тажрибамда бўлган. Мен шундай тушундимки, демак ҳатто немис тилида ҳам ўша номларини айтса, чиқиб келар экан.

**— Энди илонларнинг аниқ тили йўқ-да.**

— Албатта, уларда мия билан, телепатия билан. Мана, яна бир мисол. Тошкентда «Олтин юракли автобола» номли фильм суратга олиняпти. Шу йил охиригача экранларга чиқади. Ўша фильмда битта кобрага кўзларинг тушади. Ўша кобрани мен ўйнатиб бердим. Қойил қоладигани, у ерда катта-катта санъат арбоблари ўтирибди, мен уларнинг олдида кичкина бир одамман. Уларнинг олдида уялиб қолмай деб тавалло қиламан. Илоним айтганимни қилмаса, нима қиламан, деб қайғураман. Биз жума куни бордик. Режиссёр ёрдамчиси бизга шу куни уч литр сут олиб келиб берди. Икки кун сув ичирмасдан илонимни сут ичишга тайёрлаганман энди. Шу сутни ичсин деб, кинода қизчанинг косасида сут туради. Сутни кобра ичиши керак. Уйда илонимга сут ичирмоқчи бўлсам, бошидан секин эгиб қўярдим, у кейин сут ичарди. Эгмасам у тик тураверарди. Ичмайди. Мен режиссёрга кобранинг турганини оласиз, ичаётганини оласиз, мен ётқизиб бераман, деганман, у хўп деган. Жума куни ёмғир ёғиб қолди. Съёмка душанбага кўчирилди. Душанбада катта съёмка ҳам бўлиши керак. Обҳавони яхши бўлади, деб кутаяпмиз. Икки кун орадан ўтди. Унгача сутни илонга берсам, у ичиб қўяди, қорни тўяди. Қорни тўйгандан кейин илон пўст ташлашга киради. Кўзлари ямяшил бўлади, ундай пайтда уни касалланибди, деймиз. Пўст ташлаётганида илон нафақат сут, ҳатто сув ҳам ичмайди. Мен ич-этимни ея бошладим. Энди айтганимни қилмайди, турса туриб қолади, ётса ётиб қолади, деб. Душанба куни ҳам келди. Съёмка бошланаяпти. Сут турибди. Мен бир синаб кўрай-чи, деб илонни коса олдига қўйсам, у тикка турди. Режиссёр илоннинг турганини олишга шошилди. Бирдан дубларини, номерларини айтиб тушириб қолди. Чунки ҳаммамиз ҳам илон турмаслиги мумкин, деган хавотирда эдик. Ҳамма аппаратлар ишга тушиб кетди. Барча бизни кузатиб турибди. Шунда илон ўзи эгилиб, сутни бизга кераги дан ҳам ортиқча қилиб ича бошлади. Ичиб бўлиб, тикка туриб, яна у ёқ-бу ёққа қараб қўйди...

**— Илонларни ўргатувчисига, умуман одамларга ёки бир-бирига меҳр бўладими?**

— Шу саволни беришганда мен шунақа деганманки, ҳа, илонлар масалан, аскар узоқ жойда хизмат қилаётган бўлса-ю, қўлини пичоқ кесиб кетса ҳам онаси шуни сезиб, тушида кўриб Бибимушкул бу юради. Шундай нарса бўлган илгари, биласизми, лекин биз ўша нарсани совет даврида айтолмаганмиз. Шундай нарса бор-ку, ҳаётда, каранг, бу она меҳри. Узоқдаги фарзанди шамоллаб қолса ҳам сезади. Мен Москвада Жуна мактабида таҳсил олдим. Ўша ерда диплом ишимни шу мавзуда ёқлаганман. Масалан, халқимизда бешикда ётган болани бирдан кўтариб олмаймиз. Болани оламизда, бешикни уриб, бешиги тахта, жоврини пахта деб, елкасига уриб, болани оламиз. Ана шунда ҳам катта сир яшириниб ётади. Ўша ерда йўқотган «меҳри»дан яна болага қайта уриш. Шу ҳодисаларга ўхшаш илонларда ҳам меҳр бор. Илонларнинг меҳри ҳам она меҳрига ўхшаб узоқ жойга бора олади. Боланинг, хотинимнинг меҳридан кўра илоннинг меҳри узоқроқ масофага бора олиши мумкин. Масалан, мен Тошкентга кетиб қолсам, илонларим тушларимга кириб чиқа бошлайди. Шундай бўлган. Бир қизиқ воқеа эсимга тушди. Худди сизга ўхшаган бир мухбирга шу мавзуда гапиргандим. У эса сўзларимни қисқариб, ўзгартиб, болаларимдан ҳам, хотинимдан ҳам илонларимни соғина бошлайман, деб газетага ёзиб юборибди. Шу туфайли жанжал бўлиб оиламдан ажралиб кетаёздим.

**— Ажралиб кетмадингизми ишқилиб...**

— Йўқ, бўлган воқеа-да...

**— Илон кўрмайди.**

— Кўзи бор. Лекин кўрмайди. Фақат тилида манзарани йиғиб олиб, ўшани кўзида намоён қилади.

**— Кўршапалакка ўхшабми? Кўршапалаклар ўзидан атрофга тўлқин таратиб, тўлқинлар ёрдамида «кўради»-ку.**

— Баракалла.

**— Қўзига ўхшаб маърайдиган илонлар ҳам бор дейишади-а?**

— Илон ҳатто най чала олади, ҳуштак чала олади. Ҳатто одамни тишлаб, чақиб, ўлдириб, ашула айттира олади. Тилини чириллата олади. Куй айттира олади.

**— Нимага асосланиб шундай деяпсиз?**

— Энди бу нарса шундайки, мен ўзим кўзим билан кўраман, мен боқаётган илонлар, баъзан сичқон берсам, тишлаб олиб, заҳарли тишларини санчгандан кейин, шунақа ўйнатиб санчадики, илон шундан завқ олса керак. Бир тишлаб қўяди. Ўшанда сичқон шунақа чиройли чириллаб йиғлайдики, ёки қуён боласи, чақалоққа ўхшаб йиғлайди. Катта илонларимиз бир ёнини ўраб олганда тишлаб туриб, бирдан бўғиб ташламайди-да, қорни жуда оч бўлмаса, ҳалигини тишлаб-тишлаб, бўғиб-бўғиб, роса ўйнатади.

**— Мушук ҳам сичқонни ўйнатади-ку, ейишдан олдин.**

— Худди. Агар шундай пайтда илон қўзини ярмигача ютиб, ярмисини кўриб қоладиган одам бўлса, илон қўзига ўхшаб маъраяпти, деб ўйлаши мумкин.

**— Яхши. Шу катта илонингизни кўрайлик-чи...**

*«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Салим АШУРОВ суҳбатлашди*

# Шеър айтгим келаяпти...

Шоир Тўлан Низомга 60 йиллик таваллуд тўйи арафасида ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди. Тўлан Низом назм бўстонида ўзининг «Чўлпон», «Гиря», «Уч сўз», «Руҳи равоним» каби ўнлаб достонлари, шеърлари билан ўз гулзорини ярата олди.

Шеър — қалб дарди, юрак амри билан юзага келади. Шеърни аввал юрак ўқийди, сўнг тилга кўчади. Зўр шеър вужудни титратади. Чунки, унда уриб турган юракнинг қирмизи алвони, заҳмати бор. Чунки, унда қалб яшайди, инсоний дард мужассам.

Ҳар гал Андижонга йўлим тушганда Умаршайх Мирзо, Бобур Мирзоларнинг тафтини сезаман, руҳим енгилашади. Бугун ҳам Тўлан Низомнинг сайланмасини варақладиму таниш тафт димоғимга урилди. Шеър тафти, шеър соғинчи хаёлимни ўзига тортаверди:

Қаро тун тарқалур, нур яқин,
Жисмимни куйдирар бир чақин,
Соғинчдан юрагим зўр оқин,
Ларзага келтириб кўк тоқин
Шеър айтгим келаяпти, онажон!...

Соғинч — икки оламни бир муштга жамлагувчи, шоир дардини пўртанадек юрак қинидан борлиққа отгувчи — соғинч. Жисмни чақин, юракни зўр оқин қилгувчи куч — соғинч. Азим дарахтнинг сўлим шоҳи янада яшиллангандай бўлдими...

Шоир — руҳшунос. У табиат билан тиллашади. Жисмлар ҳолатини осонгина ҳаётга кўчиради. Инсондаги учинчи кўзнинг мавжудлиги мана шудир.

Тўлан ака шеъриятида ўзига хослик бор. Унинг кўксидаги ватан сарҳадлари шеърларига кўчиб яшайди. Муҳаббат шоирнинг ўйноқи сози. Пардалар — юракнинг забардаст зарби. Шоир муҳаббати билан ўз дилини эмас, ўзгалар қалбини ҳам поклаб яшайди.

Тўлан Низомнинг миллий адабиёт хазинасига қўшган ҳиссаси арзигуликдир. Ҳар гулшаннинг ўз гули, ўз булбули бўлади деганларидек, бу гулшандан гул ҳидлаётганлар завқушавқ топишига шубҳа йўқ.

*Юсуф ХУДОЙҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири.*

### *Қутлов*

*Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомга*

## ЎЛАН — ТЎЙХАТ

*Бу ўланнинг аввалбоши — тамал тоши,*
*Бугун Бўзда тўйиб еган тўйнинг оши!*
*Ошнинг кучин кўрсат Тўлан — бошла ўлан,*
*Мавзу тайёр — Тўлан Низом қутлуғ ёши!*

*Бизнинг юртда байрамлар ҳам Ҳасан-Ҳусан,*
*Тўрт томонда тўй, томоша ясан-тусан.*
*Тўйга яна тўй улабди бизнинг адаш,*
*Тўйбилармон, тўй тоғадан ҳамма хурсанд!*

*Айтиб қўяй, Андижонда Тўланлар кўп,*
*Тўланлари куйлаб юрган ўланлар кўп!*
*Лекин битта халқ шоири Тўлан Низом,*
*Бу сўзимга доим якдил бўлганлар кўп!*

*Олтмишида очилган гул — Тўлан Низом,*
*Етди шунга ўлмаган қул — Тўлан Низом!*
*Мадад бериб, «Муқаддас руҳ», «Учар юлдуз»...*
*Ижод боғда сайрар нуқул — Тўлан Низом.*

*Ижодкор бу халқимизнинг юзи-кўзи,*
*Юракларга илҳом берар шоир сўзи,*
*Ҳали кўп йил ўқир тўйхат тўлиб-тошиб,*
*Тўлан Низом тўйларида Тўлан Қўзи.*

Тўлан ҚЎЗИ

БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

*Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки ўз мижозларининг омонатлардаги пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни сир сақланишига ва омонатларини ўз вақтида мижозлар талабига биноан берилишига кафолат беради. Халқ банки доимо Сизнинг хизматингизда!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

**ТАШКИЛОТ**

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мулжал: Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-97, Факс: 54-49-11, Пейджер: (067) 90-79.

**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
*Саҳифаловчи -дастурчи* *Бахтиёр ҲАМИДОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0313

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*Топширилди — 21.40*
*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА